

## **Ватан туйғуси ва мафкуравий тарбия**

Ф.Тұрақулова,  
Күйон ДПИ үқитувчиси

Миллий истиқолол ғояси ўзининг моҳият эътибори жиҳатидан мустақил мамлакатимизнинг келажакдаги ижтимоий-иктисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Чунки у жамиятимизнинг барча аъзоларини, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ижобий фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларда келажакка ишонч, мустаҳкам эътиқод, мустаққиллик, мустақил фикрлай олиш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган.

Маълумки, Ватан туйғуси тарбияси миллий истиқолол ғоясининг марказий тамойилларидан ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, у ўз навбатида ҳар бир кишида тарбиянинг барча таркибий қисмларининг шаклланиши ҳамда эътиқодга айланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ҳам шуни айтиб ўтиш жоизки, кишилардаги Ватан туйғуси қуидагиларда ифодаланади:

- ўзи туғилиб ўсган жойига нисбатан меҳр-муҳаббат, садоқатда;
- ўз Ватани, унинг бойликлари билан фахрланишда;
- ўз Ватанининг келажакдаги равнақи, гуллаб-яшнашига нисбатан ишончда;
- ўзи туғилиб ўсган худуд, ўлка, Ватанини ўзгалар томонидан оёқ ости қилинишига йўл қўймаслигига;
- ўз Ватанида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорлик ишлари билан фахрланишда;
- ўз она—Ватанида тинчлик, барқарорликнинг тантана қилаётганлигини ҳис этишда;

- ўз она-Ватанида бутун дунёга машхур бўлган алломаларнинг етишиб чиққонлигидан ғуурланишда;
- ўз халқининг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги, самимийлиги билан фахрланишда,
- ўтмиш маънавий мероси, қадриятлари, анъаналарининг ранг-баранглигини ҳис этишда.

Маълумки, кишилардаги Ватан туйғуси илк болалик чоғидан бошлаб шаклланади ва тарбиявий жараёнлар натижасида ривожланиб боради. Шу боисдан ҳам ватан туйғусини тарбиялаш ишига дастлаб оилада, сўнгра мактабгача таълим муассасаларида: болалар яслилари ва болалар боғчаларида алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу борада, айниқса, болалар боғчаси бой имкониятларга эгадир. Зотан, болалар боғчасидаги ҳар бир машғулот ва машғулотдан ташқари тадбирлар учун ишлаб чиқилган дастурларни ўрганар эканмиз, уларда тарбияланувчиларни Ватан туйғуси руҳида тарбиялашга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Кўплаб моҳир тарбиячилар ўзларини педагогик фаолиятлари жараёнида бу имкониятлардан моҳирона фойдаланиб ишламоқдалар. Бундай тарбиячилар қаторига қўкон шаҳар ХТБга қарашли 4-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мамаризаева Гулшаной, 37-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Усмонова Хумарой, 64-сонли махсус боғча - мактаб мажмуа тарбиячиси Назирова Шодмонойларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу тарбиячилар ўз фаолиятлари жараёнида тарбияланувчиларда Ватан туйғусини тарбиялаш мақсадида ота-оналар, отлиққа олинган мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда мустақиллик куни, миллий байрамлар, хотира куни, ҳосил байрами кабиларни нишонлашга доир тадбирларни амалга ошириб келишмоқда. Энг муҳими, улар ҳар бир машғулот жараёнида тарбияланувчиларнинг она-Ватан ҳақида тушунчаларини янада бойитиш мақсадида сухбатлар, шеърхонлик кечалари, сайрлар кабиларни амалга ошириб келишмоқдалар. қуйида 64-сонли махсус боғча-мактаб мажмуасида

14январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган инклюзив тадбирни келтирмоқчиман.

Тадбир номи: Ёшлар - Ватан ҳимоячилари

Тадбир мақсади: ўқувчи-тарбиячиларда ватанга муҳаббат түйғусини шакллантириш.

Тадбир тури: инклюзив ва дифференциал.

Тадбирни ўтказиш жойи: мажмua мусиқa зали.

Тадбир учун зарур жиҳозлар: DVD диски, арқонлар, скамейка, тўпчалар нарвон.

Тадбир иштирокчилари: мажмua (ногирон) болалари ва соғлом ўқувчилар, мажмua мудираси, ўқитувчи-тарбиячилар, ота-оналар, мажмua ўқувчи-тарбияланувчилари, меҳмонлар.

Тадбирнинг бориши:

I. Кириш: табрик қисми (мажмua мудираси тадбирни очади ва барчани табриклайди).

II. Асосий қисм: байрамона кийимда қўлларида гуллар билан ўқувчи-тарбиячилар мусиқa садолари остида залга кириб келишади. Белгиланган жойларга ногирон болалар жойлашадилар. Соғлом болалар эса тик туришади.

1-бошловчи: Ассалому алайкум ҳурматли устозлар, меҳрибон ота-оналар;

2-бошловчи: азиз ака-укалар, опа-сингиллар, қадрли тенгдошлар;

1-бошловчи: бугун 14-январь - Ватан ҳимоячилари куни. Бугунги тантанали байрам билан барча ватандошларимизни чин юракдан муборакбод этамиз!

2-бошловчи: шу жумладан ҳурматли оталаримизни, ака-укаларимизни, барча ватан ҳимоячиларни қутлаймиз.

DVD диски орқали Давлат мадхияси янграйди (ҳамма ўнг қўлини кўксига қўйиб мадхияни тинглайди)

Ўқувчилар навбатма-навбат шеър ўқишиади:

**1-ўқувчи:**

Ватан сўзи нақадар улуг,  
Гуллар ҳам ожиз уни айтганда  
Ватан қадами бунчалар кутлуғ,  
Севинчга тўламан шеърлар битганда

**2-ўқувчи:**

Ватан, остонанг эрур тиллодан,  
Чунки заминингда жасурлар ётур.  
Ватан қадами бунчалар кутлуғ,  
Жаннат боғларида ғазаллар битур.

**3-ўқувчи:**

Ватан мадҳингни қуйлайман мен,  
Шамолда тебранган бешик каби гул.  
Ватан эртангни ўйлайман мен ҳам  
Интилган боланинг орзуси каби.

**4-ўқувчи:**

Ватан номингни улуглар ҳамма,  
кўлидан келганча ишлар қилишиб.  
Ватан сенинг ўғлонларинг ҳам,  
Чегарада маҳкам, сергак туришиб.

**5-ўқувчи:**

Ватан пойингга гуллар тўшайман,  
Тупроғингни авайлаб кафтимда тутиб,  
Ватан, жонингга жоним қўшай мен,  
Энг яхши кунларни бағрингда кутиб.

**6-ўқувчи:**

Ватан сени деб Чўлпонларинг ҳам,  
Жонини фидо қилдику ахир.  
қара шунчалар буюк экансан,  
Темуринг тинчликни айлади зохир.

**7-ўқувчи:**

Ватан сени таърифинг узок,  
Минг йиллик қаърига бориб тақалар.  
Ватан, сенинг замининг узра  
Минг бир хил жилода нурлар таралар.

**8-ўқувчи:**

Тўмарис сени деб қилич тутганда,  
Нега мен қалбимдан шеърлар айтмайин  
Ватан, ўғлонлари шаънига бу кун  
Кўнглимдан, дилимдан куйлар битайин.

**1-бошловчи:** 1991 йил, 1сентябрь Ўзбекистон Мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Энди бизнинг Ватанимиз озод, мустақил бўлиб олди.

**2-бошловчи:** мустақилликка эришган жонажон ватанимизни равнақ топтириш, ҳалқимиз олдидаги энг биринчи вазифа саналади. Шу мақсадда 1991 йил 14 январь Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

(Жанговор мусиқа садолар остида мажмуа ўқувчилари спорт ҳаракатларини бажаришади, яъни деворга ўрнатилган нарвонга чиқиб тушишади).

**1-бошловчи:** Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қўшинлари ўз юртларини ташқи душманлардан ҳимоя қилишни олдиларига вазифа қилиб қўйганлар.

**2-бошловчи:** Бепоён Ватанимизнинг кўз илғамас сарҳадлари, чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ватан ҳимоячиларининг асосий бурчидир.

**9-ўқувчи:**

Тўмарислар, Широқларнинг қонидан томган,  
Неча-неча мард ўғлонлар жонини берган.  
Тоғларида боболарнинг излари қолган,

Мустақиллик мангу бўлсин Она-Ватаним.

10-ўқувчи:

+адим Турон бердинг қўплаб улким донони,  
Хоразмию, Берунийю, ибн Синони.

Бутун қалбим билан тинглай ўтмиш садони,  
Истиқболинг қутлуғ бўлсин азиз Туроним!

11-ўқувчи:

қоялару далалардан чегарамиз ўтади.

Ватанин ҳақиқий мард, душманларга талатмас,  
Ўз юртининг боғларига,  
ғанимларни йўлатмас.

12-ўқувчи:

Бепоёндир осмонимиз, тиник , зилол сувимиз,  
Ўзбекистон равнақ топсин, шундай орзуимиз  
Ватанимга қасд қилганлар, ниятига етмайди,  
Мустаҳкамдир чегаралар, бирор душман ўтмайди.

1-бошловчи: 1991 йил 1сентябрь мустақиллигимизнинг эълон қилинган кунида жонажан Ўзбекистоннимизнинг душманлари борлигига ҳеч ким ишонмаган эди. Минг афсуски, Ватанимизни кўролмаган ёвуз кишилар ҳам учраб қолди.

2-бошловчи: 1991 йил 16 февраль куни Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида террорчилик харакатлари амалга оширилди. Бунинг натижасида қўплаб ватандошларимиз ҳалок бўлдилар, бинолар вайрон қилинди. Тинчликсевар ўзбек халқи учун бу кутилмаган ҳодиса эди.

DVD диски орқали “Февраль воқеалари” номли қисқа хужжатли фильм намойиш этилади.

1-бошловчи: Бу сингари нодонликни халқимиз қаттиқ қорлади. 1991 йил ва 2000 йил ёзда Ўзбекистоннинг чегаралари террорчилар томонидан бузилди. Ватан ҳимоячиларидан бир қанчаси бевақт ҳалок бўлдилар. Биз бу

ватандошларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

2-бошловчи: Яхшиямки, баҳтимизга ватан ҳимоячилари, посбонлари, мард ва жасур ўғлонлар, ҳукуқни ҳимоя қилувчи органлар, ички ишлар бўлими ходимлари бор экан.

Ватан ҳимоячиларининг саъйу-ҳаракатлари, ўз ватанига бўлган меҳру-муҳаббатлари бор экан.

DVD диски мусиқа садоси остида аввал соғлом қизлар бадиий гимнастика ҳаракатларини рангли ленталар ёрдамида, сўнгра ногирон қизлар ўтириб тўпчаларни юмалатиб турли ҳаракатларни бажаришади.

1-бошловчи: Тарихдан аёнки, халқимиз бошига не бир тўфонлар тушганда унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга отланган мард фарзандлар номи ҳамиша ёт этилади.

2-бошловчи: биз Тўмарис, Спитамен, Муққана, Жалолиддин Мангуберди Амир темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар саркардаларнинг ворисларимиз. Уларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари барчамизни она-юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, оналаримиз, опа-сингилларимиз, оиласиз баҳт-саодатини фидоийлик билан ҳимоялашга даъват этади.

Тадбир иштирокчилари ҳамкорликда “Хеч кимга бермаймиз сени-Ўзбекистон” кўшиғини куйлашади.


Бошловчилар: асрлар оша Ватанимиз қудрати янада юксалаверсин, юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Тадбир иштирокчилари сахнага чиқиб, биргаликда шундай дейдилар: Ватан ҳимоячилари куни муборак бўлсин, азизлар!

III. Якуний қисм: Мажмуа мудираси тадбир иштирокчиларини табриклаб, совғалар тарқатади.

Ўтказилган тадбирдан кўриниб турибдики, уларда мажмуа болаларни ватан туйғуси руҳида тарбиялашга гувоҳ бўламиз.

Мавзуга назарий ёндошиб, унинг технологик кўринишини қўйидаги чизма орқали келтиришни жоиз топдик.



Хулоса қилиб айтганда, ватан туйғуси мафкуравий тарбиянинг марказий қисмини ташкил қилиб, у ўсиб келаётган ёш авлод комиллигини ифодалайди. Шу боисдан ҳам хукуматимиз ўзининг кундалик фаолиятида тарбиянинг бу қисмига алоҳида аҳамият берилбекелмоқда.